



ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ ЙЎНАЛИШЛАРДАГИ ИШЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназаровни қабул қилди.

Мулоқотда диний-маърифий йўналишларда, буюк аждодларимиз илмий меросини ўрганиш ва халқимизга етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар сарҳисоб қилинди.

Бугунги таҳликали дунёда халқимиз, айниқса, ёшларга ислом моҳиятини тўғри тушутириб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис, юртимизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, диний таълим сифатини янада ошириш, ушбу йўналишдаги илғор халқаро тажрибани ўрганиб, юртимиздаги диний таълим муассасалари фаолиятига татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21 мартдаги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда муборак Рамазон ойи файзли ва шуқуҳли ўтди. Инсонларни яхшилик ва меҳру саховатга, бугунги тинч ва осойишта

ҳаётимизни қадрлашга ундайдиган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан барча имом-хатиблар иштирокида маҳаллалардаги 1 миллиондан зиёд кам таъминланган аҳолининг уйда ифторликлар уюштирилди. “Вақф” хайрия жамоат фонди ҳисобидан ёрдамга муҳтож фуқароларга 2 миллиард 446 миллион сўмлик хайру эҳсонлар қилинди.

Бу йилги Рамазон ойидаги яна бир муҳим янгилик 1 минг 400 нафар кам таъминланган фуқароларнинг давлат томонидан умра зиёратига юборилиши бўлди. Улар муқаддас манзилларда туриб, халқимизга тинчлик, файзу барака тилаб хайрли дуолар қилдилар.

Президент жамиятда диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг виждон эркинлигини кафолатлаш бўйича ўз фикрларини билдирди.

ЎЗА

ФОРУМ

ПОЙТАХТИМИЗ ЯНА ДУНЁ ИШБИЛАРМОНЛАРИНИНГ МУЛОҚОТ МАЙДОНИГА АЙЛАНДИ

27-28 апрель кунлари бўлиб ўтган II Тошкент халқаро инвестиция форумида йирик ҳамкорлик битимлари имзоланди



Жорий ҳафта мамлакатимиз ҳаётида нуфузли, йирик халқаро тадбирлар билан ёдда қоладиган бўлди. Боиси, ҳафта бошиданоқ пойтахтимизда “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмаси бошланиб, 24-27 апрель кунлари давомида 35 мамлакатдан келган турли соҳа вакиллари учун бизнес мулоқотлар майдонига айланди. Ундан сўнг “эстафета”ни бошқа йирик анжуман – II Тошкент халқаро инвестиция форуми давом эттирди. Йилнинг энг муҳим иқтисодий анжуманларидан бирида иштирок этиш учун дунёнинг 70 дан ортиқ давлатидан 2,5 мингга яқин юқори мартабали меҳмон келди.



Хорижий ҳукуматлар вакиллари, халқаро корпорациялар, молия институтлари ва банklar раҳбарлари, иқтисодиёт, инвестициялар ҳамда молия соҳаси мутахассислари

27-28 апрель кунлари бўлиб ўтган анжуманнинг 30 дан ортиқ тадбирида иштирок этди. Форум ишини маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 200 дан зиёд вакили ёритиб

боргани халқаро тадбир нуфузи нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон майдонида ҳам ортиб бораётганидан далolat беради.

Давоми 3-бетда

ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДАГИ ЮҚОРИ ЎРИН ОТМларга нима беради? Талабаларга-чи?

Олий таълим муассасасининг халқаро рейтинг агентликлари нуфузли университетлари рўйхатига кириши ва юқори поғоналардан ўрин эгаллашнинг аҳамияти нимада? Замонавий глобаллашув даврида жаҳон таълим бозорига рақобатбардош, юқори сифатли таълим хизматларини кўрсатиш маркетингининг ўзига хос туридир.



Ҳозир бошқа давлатларда таълим олишни режалаштирган талабгорларнинг 37 фоизи айнан халқаро рейтинг

агентликларининг нуфузли университетлари рўйхатидан фойдаланиб, ўзи хоҳлаган давлатда, хоҳлаган йўналиш ва

ихтисосликка нисбатан сифатли таълим берувчи олий таълим муассасасини танлаши қайд қилинади.

Айни пайтда дунёда 20 дан ортиқ етакчи рейтинг агентлиги фаолият юритади. Улар орасида World University Rankings THE, QS World University Ranking ва THE Academic Ranking of World Universities (ARWU) рейтинг агентликлари нисбатан юқори нуфузга эга.

Олий таълим муассасаси фаолиятини рейтинг баҳолаш тизими, халқона айтганда, ОТМларни ишлаб чиқилган махсус услубият — индикаторлар элагидан саралаб ўтказишдан иборат. Албатта, бу жараёнда ҳар бир рейтинг агентлиги фойдаланувчи услубият умумий жиҳатлар билан бирга айрим хусусий, фарқланувчи ҳолатларга ҳам эга. Масалан, етакчилардан бири сифатида тан олинган Times Higher Education рейтинг агентлигининг Times Higher Education World University Ranking — THE рейтинг натижалари дастлаб “THE-QS” бренди остида 2004 йили эълон қилинган.

Давоми 5-бетда

АНЖУМАН

ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти, Марказий Осиё халқаро институти ва Германиянинг Марказий Осиёдаги жамғармаси ҳамкорлигида “Ўзбекистон – Германия: ҳамкорликнинг янги уфқлари” мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Давоми 2-бетда



МУНОСАБАТ

ЁШЛАР МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ СОҒЛОМ КУЧ ВА СОҒЛОМ ФИКР

Ёшлар барча даврларда жамиятнинг фаол қатлами сифатида эътироф этилади. Шарқ Уйғониш даврида ҳам, жадидлар фаолиятида ҳам, умуман, жамият янгилинишида ёшларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этган.

Зеро, ёшлар мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи соғлом куч ва соғлом фикрдир. Президентимиз ҳар бир масалада улардан руҳланишни, куч олишни, суянишни, ишонини алоҳида таъкидлайди. Навқирон авлодининг билимли бўлиши, касб-хунари ўрганиши, жамиятда ўз ўрнини топиши учун кайгуради. Бинобарин, фақат билимли авлод бизни дунё халқларига яқинлаштиради, тенглаштиради.

Фақат билимли ёшлар жаҳон саҳнидаги муносиб ўрнини белгилайди. Давлатимиз раҳбари раислигида ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ташкил этилган видеоселектор йиғилишида илгари сурилган ташаббуслар ҳам фикримизни яна бир бор тасдиқлайди.

Давоми 2-бетда

ДОЛЗАРБ МАВЗУ



МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАИ: ДАВР ТАЛАБИГА АЙЛАНАЁТГАН ИЛҒОР УСЛУБ

Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида бошқа масалалар қатори энергия таъминоти, хусусан, қайта тикланувчи энергия манбаи бўлган кўеъш батареяларидан самарали фойдаланишга ҳам алоҳида тўхтаган эди.

Давоми 5-бетда

ИННОВАЦИЯ

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР статистика дастури ижросини таъминлашда қандай ўрин тутади?

Соҳалар зиммасига юклатилган вазибалар ижросини самарали ташкил этиш, меҳнат ва ижро интизомини таъминлаш барча ташкилотлар учун ҳар доим муҳим бўлиб келган. Чунки ижро интизомига риоя қилиш белгиланган вазибалар ва стратегик лойиҳалар ўз вақтида бажарилишини таъминлайди. Акс ҳолда ишлар кечикади, ислоҳ қилиш ва ривожланишда тўсиқларга дуч келинади.

Ҳар бир соҳани рақамлаштириш — ислохотлар муваффақиятини таъминловчи йўналишларнинг таркибий қисми. Рақамли технологиялар маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни қисқартиради ва коррупцияни кескин камайтиради.

Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил

этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони асосида ишга тушган “ljo.gov.uz” ижро интизомидоралараро ягона электрон тизими иши ҳам шу мақсадларга қаратилган.

Давоми 2-бетда

АНЖУМАН



ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Бошланғичи 1-бетда

Тадбирда икки мамлакат дипломатик корпус, сиёсий ва ишбилармон доиралари вакиллари, парламент аъзолари, турли соҳа мутахассислари, шунингдек, Европа, Яқин Шарқ, Осиё, Американинг етакчи тахлилий марказлари экспертлари иштирок этди.

Марказий Осиё халқаро институти директори В.Норов, Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти директори Э.Арипов ва бошқалар мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган сиёсий ислохотлар, очиқ ва ишончли ташқи сиёсат туфайли Ўзбекистон — Германия ўртасида ҳамкорлик алоқалари барқарор ривожланаётганини таъкидлади. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Германияга 2019 йилдаги расмий ташрифи доирасида иқтисодий, савдо, молия, таълим, фан ва инновациялар соҳасида 80 дан ортиқ ҳужжат имзоланган эди. Уша йили май ойида Германия Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер Ўзбекистонга ташриф буюрди. Шу тариқа, мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги конструктив сиёсий мулоқот пандемия шароитида ҳам фаол ва самарали давом этди.

Парламентларо алоқалар фаол ривожланмоқда. Мамлакатлар парламент делегацияларининг 10 дан зиёд ўзаро ташрифи уюштирилди, мунтазам равишда вазирликларо сиёсий маслаҳатлашув ўтказилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ: РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ, СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

28 апрель куни Марказий Осиё халқаро институтида Хитой замонавий халқаро муносабатлар академиясининг ЕврооСИё тадқиқотлари институти билан биргаликда икки мамлакат ҳамкорлигининг муҳим қирраларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.



Тадбирда Марказий Осиё халқаро институти директори Владимир Норов, Хитой замонавий халқаро муносабатлар академиясининг ЕврооСИё тадқиқотлари институти директори Дин Сяосин ва экспертлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигининг бугунги ривожланиш жараёнлари, стратегик шериклик истиқболлари хусусида тўхталди. Қайд этилганидек, мамлакатларимиз раҳбарларининг саясий-ҳаракати билан сўнгги йилларда ўзаро алоқаларимиз янги босқичга кўтарилди. Давлатларимиз ўртасида икки ва кўп томонлама муносабатлар доирасида халқаро ташкилотлар ва платформаларда, жумладан БМТ, ШХТ, "Марказий Осиё — Хитой" форматида конструктив ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда.

Кейинги бир неча йилда ўзаро товар айирбошлаш кўлами икки баробар кўпайди, қўшма лойиҳа ва корхоналар сони уч баробар ошди. Йирик инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари амалга

оширилмоқда. "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" темир йўлини қуриш лойиҳасини илгари суриш бўйича амалий ҳамкорлик бошланди. Маданий-гуманитар алмашувлар кенгаймоқда, таълим, соғлиқни сақлаш, археология, туризм ва бошқа йўналишларда муҳим дастурлар ҳаётга татбиқ этиляпти.

Ўтган йил Самарқандда бўлиб ўтган ШХТ саммити ўзаро манфаатли алоқаларимиз ривожига янада туртки бўлди.

Давра суҳбатида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, уни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўз борди. Мазкур тадбир икки мамлакат илмий ҳамжамияти вакиллари ва экспертлари ўртасида очиқ ва конструктив фикр алмашиш, амалий тақлифлар ишлаб чиқиш ва икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришда муҳим платформа вазифасини ўташига ишонч билдирилди.

Баҳор ХИДИРОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

МУНОСАБАТ

ЁШЛАР МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ СОҒЛОМ КУЧ ВА СОҒЛОМ ФИКР

Шаҳноза
ХОЛМАҲМАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Бошланғичи 1-бетда

Йиғилишда, аввало, ишсиз, но-расмий секторда банд бўлган ва чет элга ишлагани кетган ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада кўплаб янги ташаббуслар билдирилди. Хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш учун, аввало, ишга қабул қилиш тизимини қайта кўриб чиқиш кераклиги таъкидланди. Мисол учун, ҳозир 103 мингдан ортиқ ташкилотда 254 минг бўш иш ўрни бор. Лекин ўтган йили олий таълимни битирган 6 мингдан ортиқ, коллеж ва техникумни тамомлаган 30 минг йигит-қиз иш толмаган. Шу боис, энди ҳар бир вазирлик ўз тармоғидаги касбларга малака талабини ўзи белгилаши керак бўлади. Шунингдек, вазирликлар олий ва ўрта махсус таълимга буюртма берибгина қолмай, уларнинг ўқув дастурларини бирга ишлаб чиқади.

Ёшлар ҳаётидаги бугунги муаммоларнинг сабаби нима? Шубҳасиз, йигит-қизларимиз бандлиги бўйича белгиланган вазифалар ижроси етарли даражада таъминланмаётганида, уларнинг бўш вақти мазмунли ташкил этилмаётганида, таълим-тарбия сифатини замон андозаларига мослаштириш оқсаётганида. Видеоселектор йиғилишида шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидландики, яқинда 100 мингдан ортиқ йигит-қиз ўртасида ўтказилган сўровномада улар маҳалласида спорт билан шуғулланишга шариқ хамда кўнглочар масканлар етишмаслигини билдирган.

Шу боис, биринчи босқичда вилоят марказларида, кейинчалик туманларда кечаю кундуз ишлайдиган



ёшлар сайилгоҳлари ташкил этиш вазифаси кўйилди. Уларда спорт, киберспорт ва интеллектуал ўйинлар, китобхонлик, караоке учун шароитлар кўзда тутилади. Шунингдек, ҳар бир туманда "Ёшлар сайли" ва ижод кўчалари, олий ўқув юрларида спорт лигалари, коворкинг ва театр студиялари ташкил қилинади.



Бугунги кунда 1,5 миллион ёш бўш вақтини чет тилларни ўрганишга бағишламоқда. Уларнинг бу интилиши рағбатлантирилиб, хусусий марказларда тил ўрганиш харажатларига субсидиялар ажратилади. Шунингдек, мактабларда тўғаракларни жиҳозлаш ва мураббийларни қўллаб-қувватлаш, "Баркамол авлод" болалар марказлари самарадорлигини ошириш бўйича топшириқлар берилди. Ёшлар ўртасида "Касб-хунар олимпиадалари" ташкил қилиниши айтилди.

Таниқли ёзувчи Чингиз Айтматов бундай ёзади: "Мамлакатни бирлаштириб, жиқслаштириб, ички ва ташқи сиёсатини оқилона бошқариб, илм-фанни, маданиятни, қадриятларни асраб ва ривожлантириб, давлат куч-қудратини ошириб, бошқарув тизимини барқарор тараққий эттириш ниҳоятда мураккаб ва масъуляти. Ўз навбатида, шарафли вазифадир. Бунга эришиш учун, аввало, оғоҳ бўлиш лозим...".


“Агар биз бугун ёшларнинг маънавий дунёси ҳақида қайғурмасак, ўз вақтида оғоҳ бўлмасак, кечаётган улкан ислохотларга, ҳамжихатликка путур етиши турган гап. Бу аччиқ бўлса-да, ҳақиқат.

Йиғилишда айна масала тилга олиниб, маънавий тарғиботнинг қамрови ва таъсирчанлиги пастлиги, ёшларнинг қизиқишлари инobatга олинмаётгани кўрсатиб ўтилди. Шу боис, Маънавият ва маърифат маркази фаолиятини такомиллаштириш, ёшларни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиб, уларга соғлом фикр берадиган манбаларни кўпайтириш юзасидан топшириқлар берилди. Умуман, бу соҳадаги давлат сиёсатини самарали ташкил этишга қаратилган "Янги Ўзбекистон ёшлари" дастурини ишлаб чиқиш, қонунчиликни ўзгартириш вазифалари белгиланди.

Тўғри, ёшлар йўналишида белгиланган вазифалар кўлами, қамрови жуда кенг. Бизнингча, уларни бажариш, биринчи навбатда, ватанпарварлик ва масъулятни талаб этади. Шуларни теран ҳис этиб, Абу Али ибн Синонинг кўйидаги ҳикмати ёдимга тушди: "Доворак ва ботир инсонлар келажақда содир бўладиган қийинчиликлардан қўрқмайди".

Шу маънода, ўз олдимишга қўйган улғувор мақсадларни амалга ошириш йўлида учрайдиган тўсиқлардан қўрқмаслигимиз керак. Бу йўл миллат учун ҳаёт-мамат йўлидир. Бир нарсани унутмайлик — бугун барчамиз ўзаро жиқслашиб, тараққиётнинг шундай босқичига келдикки, энди орқага йўл йўқ, бу йўлда фақат келажақ бор, эрта бор.

ИННОВАЦИЯ



статистика дастури ижросини таъминлашда қандай ўрин тутуди?

Дилшод ЗОКИРОВ,
Статистика агентлиги Статистика ишларини ташкил этиш ва методология бошқармаси бошлиғи,
Шаҳбоз ЖОНОДИЛОВ,
Ахборот хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи

Бошланғичи 1-бетда

Бу тизим қонунлар, Президентнинг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижросини назорат қилишнинг му்தлақо янги йўналиши ҳисобланади. Барча давлат ва маҳаллий ҳокимият органларида ижронини назорат қилиш, бу борадаги карто-текаларни юритиш ва ҳисоботларни шакллантириш фақат "Ijro.gov.uz" тизими орқали амалга оширилиши йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Статистика агентлиги ўз фаолиятини "Расмий статистика тўғрисида"ги қонун ҳамда унинг асосида ишлаб чиқилган дастурларга мувофиқ ташкил этиб келаяпти. Бунда фойдаланувчиларга расмий статистика маълумотларини тақдим этиш алоҳида ўрин тутуди. Ушбу жараён мустақиллик (фаолиятга ҳар қандай ташқи аралашувларни истисно этиш), тушунарликлик ва шаффофлик (фойдаланувчига қўлай шаклда, изоҳ, тушунтириш ва метамаълумотлар билан етказиш), аниқлик ва ишончлик (ҳодиса ва жараёнларни ҳаққоний ақс эттириш), бегаразлик ва холислик (илмий асосланган ва барча фойдаланувчиларга бир хил муносабатда бўлиш), махфийлик (махфийликни таъминлаш ва фақат статистика мақсадларида фойдаланиш), долзарблик (фойдаланувчиларнинг эҳтиёж ва ахборотларни олиш ҳуқуқини таъминлаш) таъминлашга риоя қилган ҳолда шакллантирилмоқда.

Қонунчиликка кўра, статистика дастурлари кўп йиллик ва бир йиллик бўлиши мумкин. Унинг кўп йиллигига Президент қарори билан тасдиқланган 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"ни мисол сифатида келтириш мумкин. Улар ижросини таъминлаш бўйича вазифалар белгилаб берилган. Ижро назорати бевосита "Ijro.gov.uz" тизими орқали йўлга қўйилган.

Статистика идоралари фаолиятида рақамлаштириш технологияларини кўплаб тобора кенгайиб борапти. Хусусан, маълумотларни қайта ишлаш бўйича ахборот-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш йўналишида веб технологияларга асосланган Estat 4.0 ахборот тизими ишга туширилди. Унинг ёрдамида статистика ҳисоботларини онлайн қабул қилишга ўтилди.

Рўйхатга олиш жараёнлари ва натижалари бўйича жамоатчиликни хабардор қилиб бориш мақсадида агентликнинг махсус расмий веб-сайти ҳамда бирламчи маълумотларни қиритиш бўйича ахборот тизими ишлаб турибди.

"Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида давлат бошқаруви очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда статистика санолатини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ижроси бўйича статистика интеграллашган ахборот тизими яратилди ва унинг негизида

siat.stat.uz портали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Расмий статистика соҳасида кузатувларни ўтказиш, маълумотларни шакллантириш ва тарқатиш бир йиллик дастурга мувофиқ амалга оширилди. Унда расмий статистикани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўтказилиши лозим бўлган кузатувларини ташкил этиш, маъмурий маълумотларни тайёрлаш ва тақдим этиш, статистика регистрларини ишлаб чиқиш ҳамда юритиш каби жиҳатлар ўз ифодасини топган.

Бўйича ёшларнинг татбиқ этиш доирасида рақамли технологияларга таянган ҳолда респондент ва фойдаланувчиларга қўлайлиқлар яратилмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда тармоқ ва ҳудудий бошқармалар томонидан статистика дастури ижросини самарали ташкил этиш ҳамда улар устидан тизимли мониторинг юритиш мақсадида "Статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури" корпоратив ахборот тизими ишлаб чиқилди.

Ушбу тизим дастурда белгиланган ишларни нафақат марказий аппарат ва ҳудудий бошқармалар, балки туман статистика бўлимлари томонидан ҳам ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилишга шариқ яратмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, тизимда барча ҳужжатларнинг электрон нусхасини бириктириш функцияси мавжуд бўлиб, тармоқ ва ҳудудий статистика бошқармалари ўртасида ўзаро рақамли ҳужжат алмашишини таъминлайди. Натижада белгиланган ишларни амалга оширишда қоғоз сарфи 100 фоиз камайирилиб, ўзаро маълумот алмашиш тезлиги 4-5 баробар ошди.

Танланма статистик кузатувларга инновация технологияларини жорий

этиш доирасида дастурий таъминот ишлаб чиқилиб, барча ҳудудларда ишга туширилиши ҳам вақтдан, ҳам нақддан ютишга ёрдам берапти. Чунки мазкур лойиҳа туфайли статистик маълумотларни қайта ишлаш ва йиғиш учун сарфланмаган вақт, улар хавфсизлигини сақлаш ҳамда транспорт харажатлари учун кетадиган маблағ қисқаришига эришилди.

“Агентлигимиз томонидан "Статистика" интеграллашган ахборот тизими (СИАТ) яратилишининг аҳамияти ҳақида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин. Ушбу тизим негизида siat.stat.uz веб-портали ишга туширилиши билан шу кунга қадар турли шаклларда сақланган маълумотлар бир хил форматга ўтказилди, ягона маълумотлар базасига жамланди ҳамда уларни олиш даври 5 кундан 1 дақиқага қисқартирилди.

Алқисса, рақамли технологияларга асосланган лойиҳаларнинг жорий этилиши агентлигимиз ҳодимлари учун замонавий қўлайлик ва енгилликлар яратгани ҳолда, расмий ва мамлакатимиз ҳаётининг барча жаҳаларига доир маълумотларни тайёрлаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш соҳасида иш самарадорлиги ошишига ҳамда ундан фойдаланувчиларнинг долзарб ахборотларга эҳтиёжи ўз вақтида қондирилишига ҳизмат қилади.

ФОРУМ

ПОЙТАХТИМИЗ ЯНА ДУНЁ ИШБИЛАРМОНЛАРИНИНГ МУЛОҚОТ МАЙДОНИГА АЙЛАНДИ

27-28 апрель кунлари бўлиб ўтган II Тошкент халқаро инвестиция форумида йирик ҳамкорлик битимлари имзоланди

Инвесторнинг ҳуқуқ ва хавфсизлиги кафолатланмоқда

Тошкент халқаро инвестиция форуми юртимизда ўтган йили илк бор ўтказилган ва салмоқли келишувлар, янги инвестицион лойиҳаларга бой бўлган...

Масалан, бугунга қадар юртимизда қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 12 фоизга туширилди, хорижий инвесторларнинг ўз акцияларидан оладиган дивидендлари уч йил муддатга солиқдан озод қилинди...

Узбекистоннинг бу борадаги ислохотлар ва унинг самараларини хорижий ишбилармонлар ҳам кузатиб, ишонч ҳосил қилмоқда...



Музаффар Абдуллаев олган суратлар.

Келишувлар ҳамкорлик битимлари билан мустаҳкамланди

Аънавий тус олаётган Тошкент халқаро инвестиция форуми 28 апрель куни ўз ишини якунлади. Икки кун давом этган халқаро анжуман эришилган натижалар, янги ҳамкорлик битимлари билан янада эсда қоларли бўлди...

Катта-катта лойиҳаларни имзолаш тadbирлари форумнинг илк кунидеъ бошланган эди. Хусусан, Ислом тараққиёт банки билан музокара-лар давомида 400 миллион долларлик ҳамкорлик келишуви имзоланди...

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳам йирик ҳамкорлик келишувларига эришди. Хусусан, Озарбайжоннинг "PASHA Holding" компанияси билан ҳадли битими, Туркиянинг "Cengiz Enerji San. Ve Tic A.S." компанияси билан қиймати 300 миллион долларга тенг инвестиция шартномаси имзоланди...

Умуман, халқаро форум доирасида мамлакатимиздаги барча соҳа ва тармоқларда манфаатли келишувлар, янги инвестицияларни жалб қилишга эришилди, десак хато бўлмайди...

Назём НООРДАЛИ, Ислом тараққиёт банки гуруҳининг Халқаро ислмолия корпорацияси (ITFC) бош операцион директори:



— Иқтисодий ўсиш, ривожланиш жараёнларида хусусий секторнинг ўрни жуда муҳим. Айниқса, кичик ва ўрта бизнеснинг роли катта. Узбекистонда охириги йилларда хусусий сектор, бизнес соҳасидаги тўсиқларни олиб ташлашга қаратилган ишлар, биз, хорижий инвесторларга яратиб берилаётган имкониятларни юқори баҳолайман...

катлар инвесторларнинг ишончини ошириш орқали иқтисодий ўсишга олиб келади.

Халқаро форумда мамлакат Президентининг хориждан ташриф буюраётган инвесторлар хавфсизлиги тўлиқ таъминланиши борасидаги сўзларидан таъсирландик. Чунки бу жиҳат ташқаридан келган инвесторлар учун гоят муҳим. Инвестор мамлакат ичида эркин фаолият қилишига имконият бериш энг муҳим жиҳатлардан эканини таъкидлашмоқда.

Ташкилотимизнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги 2018 йилда бошланган. Шундан бери ҳар йили учрашувларимиз бўлиб ўтмоқда. Бундан кўзланган мақсад эса Ислом тараққиёт

банки ва Ўзбекистон ўртасида инвестицион муҳитни яхшилаш ҳамда ривожлантиришдан иборат.

Иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида "Trade Connect Central Asia+" (ТССА+) дастури ҳамкорлари йиғилиб, янги лойиҳаларни муҳокама қилдик. Ушбу дастур минтақадаги олтинта давлат — Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ўртасидаги, қолаверса, дунё мамлакатлари билан савдо жараёнларини соддалаштириш, иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга қаратилган платформа ҳисобланади. У инклюзив иқтисодий ўсиш, минтақавий ҳамкорликка эришиш мақсадларини амалга ошириб келмоқда. Келгуси 5 йилда минтақанинг иқтисодий ривожланиши учун дастур доирасида 600 миллион АҚШ доллари ажратилиши режалаштирилган.



Аброрхўжа МУНАВВАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги бўлим бошлиғи:



— Халқаро форум доирасида туризм йўналишида ҳам қатор инвестицион битимлар имзоланиб, янги ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган муваффақ бўлди. Инвесторларнинг юртимиздаги замонавий шаҳарсозликни ривожлантириш билан бирга, тарихий шаҳарларимизга қизиқиши юқори.

Тошкент халқаро инвестиция форумида ҳам улар меҳмонхона, дам олиш масканлари ва бошқа хизмат кўрсатиш манзилларини яратиш бўйича таклифлар берди. Инфратузилмани ривожлантиришга сармоя киритишни истаётган тadbиркорлар ҳам кўп. Юртимизда давлат хусусий-шериклик асосида Самарқанд халқаро аэропорти лойиҳаси рўйбга чиқарилган...

Сўнги йилларда туризм соҳаси Ўзбекистонда драйвер йўналишлардан бирига айланди. Чунки бизда сайёҳларни жалб қиладиган жиҳатлар кўп ва бу йўналишда ҳаба айланганимиз мумкин. Шу мақсадда соҳага катта маблағ йўналтирилиб, унинг самараси аллақачон кўрсата бошлади. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида 5,2 миллион хорижий сайёҳ келган бўлса, ички туризм йўналишидаги сайёҳлар сони 12 миллионга етди.

Албатта, кўпроқ сайёҳ жалб қилиш учун меҳмонхона, дам олиш масканларини кўпайтириш, энг асосийси, туристик инфратузилмани жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш талаб этилади. Бунинг учун сармоя зарур. Ҳозирги вақтда давлат инвестиция дастурлари доирасида туризм соҳасига

280 миллиард сўм ажратилган. Президент қарори билан 28 та туман-шаҳар, 135 та маҳалланинг туристик инфратузилмасини ривожлантириш учун 205 миллиард сўм давлат инвестициялари киритилмоқда.

Бу жараёнда хорижий инвестициялар салмоғи ҳам ошиб бормоқда. Ўтган даврда мамлакатимиз туризм соҳасида умумий қиймати 6,1 триллион сўмдан ортқ бўлган 750 дан зиёд инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида юртимиз бўйлаб 20 миңдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Бу йил юртимизга 7 миллион хорижий сайёҳни жалб қилишни режалаштирганмиз. Бу катта инвестицион лойиҳаларга йўл очди. Хорижий ишбилармонлар ҳамкорлик қилишда мамлакатининг халқаро рейтинглардаги ўрнига ҳам катта эътибор қаратади. Ўзбекистон эса бугунги кунда туризмни энг жадал ривожланиётган топ-10 давлат рўйхатида кирган. Қолаверса, инвесторлар учун қулайликлар яратишни кўзда тутадиган қонунчилик базамиз кўплаб ҳамкорларда ишонч уйғотиб, сармоя киритишга қорламоқда.

Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Ҳар бир соҳада инвестиция зарур

Халқаро форум дастури тadbирларга бой бўлди. Панел учрашувлар, давра суҳбатлари, сессиялар давомида чет эллик ва маҳаллий ишбилармонлар инвестиция соҳасининг ривожланиш тенденциялари, рақамлаштириш, замонавий пул-кредит сиёсати, "яшил" энергетикани ривожлантириш, электрон тижорат ҳамда халқаро миқёсда иқтисодий ҳамкорлик каби долзарб масалаларни муҳокама қилди. Тadbирларда 150 дан ортқ маърузачи — етакчи халқаро компания ва жамғармалар раҳбарлари, қатор давлатларнинг танили иқтисодчи ва экспертлари иштирок этди. B2B, G2G, G2B форматдаги икки томонлама учрашувларда

эса истиқболли лойиҳалар кўрилиб, янги ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Форум доирасида хорижий шериклар Ўзбекистон ҳудудларининг инвестиция салоҳияти ва 160 дан ортқ йирик лойиҳа билан танишди. Сармоядорлар юртимизнинг иқтисодий имкониятлари, ишбилармонлар учун яратилган қулай шарт-шароитларни ўз талаблари доирасида кузатиб, ҳолис ва ижобий баҳоасини берди.

Аслида қайси соҳани олиб қараманг, барчаси иқтисодий масалаларга боғлиқлиги кўринади. Четдан сармоя киритишга эса бугунги кунда иқтисодий ривожнинг асосий омилларидан бири сифатида қаралмоқда. Форум иштирокчилари барча мавзуларда кенг муноза-

раларга киришиб, амалий таклифлар, янги лойиҳаларни фаоллаштиришга интиллари боси шунда.

Биргина "яшил" иқтисодийётта ўтиш мақсадлари, бу йўлда муқобил энергияни амалга оширишга қаратилган лойиҳалар кўламини эътибор қаратайлик. Ўзбекистон ҳам бу борадаги ишларни фаоллаштириб бормоқда. "ACWA Power", "Masdar", "Total Eren" каби жаҳоннинг нуфузли компаниялари билан йирик қўш ва шамол электр станцияларини ишга тушириш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Халқаро форумда ишбу компаниялар вакиллари ҳам ушбу кмпани. Анжуманинг биринчи кунинда ўтказилган "Шамол, қуёш ва сув энергетикасига инвестициялар" мавзусидаги панел муҳокамаларида амалга оширилган ишлар баробарида янги ҳамкорлик лойиҳалари ҳақида сўз борди. Сессия модератори Виталий Яковлев Ўзбекистон янгиланадиган энергия манбаларини ривожлантириш салоҳияти бўйича Марказий Осиёдаги энг жозибдор мамлакатлардан бири эканини таъкидлаган бўлса, "ACWA Power" компанияси раиси уринбосари ва бошқарувчи директори Раад ас-Саадий юртимиздаги энергетика соҳасидаги ислотларни юқори баҳолади.

— Ўзбекистон ҳуқумати 2030 йилга бориб барча электр энергиясининг 25 фоизини қайта тикланадиган манбалардан олишга эришмоқчи, — деди энергетика

ҳам инобатга олинади. Бу жараён инсталган катталикдаги аҳоли пунктларини тоза ичимлик сув билан таъминлаш имконини беради.

Кузатуларимизга кўра, бу йўналиш Ўзбекистонда нияоятда зарур ва муҳим. Шу боис, лойиҳани бир қанча ҳамкорларга таклиф этдик ва бу уларда катта қизиқиш уйғотди.

Тошкент халқаро инвестиция форумида иккинчи бор қатнашганимиз ва таассуротларимиз ижобий. Ўтган йили ҳам ҳамкорлар топишга эришган эдик. Жорий йилги форум янада самарали бўлди. Бир ой аввал ҳам Тошкентда ўтган Ўзбекистон — Испания бизнес форумида муваффақиятли қатнашдик. Очиги, бу ердаги ҳамкорлик алоқалари мени доим қувонтиради. Тез-тез ана шундай йиғилиб туришимизга, икки давлат ишбилармонларининг тажриба алмашинуви мунтазам давом эттирилишига умид билдириб қоламан.

Егор ЗУНЯЕВ, Жанубий Европадаги ACIR халқаро ташкилоти вакили:



— Форумни жуда муваффақиятли тadbирлардан бири, деб ҳисоблайман. Бойси, катта форматдаги ушбу анжуман дунёнинг кўплаб давлатларидан илғор инвесторларни бир нуктага жамлаш олади. Испаниядан ҳам ҳукумат етакчилари қатори кўпгина соҳалар вакиллари қатнашди. Албатта, "Sirso in Europe" компаниямизнинг мақсади бошқа иштирокчилар каби янги ҳамкорлар, бизнес

шериклар топишдан иборат. Бу борада бир қанча лойиҳаларни таклиф этишимиз. Шулardan бири савдо уйларини ташкил этиш лойиҳаси. Мазкур савдо уйлари орқали Ўзбекистондан Жанубий Европа давлатлари — Италия, Испания ва Португалияга товарлар экспортини амалга ошириш ҳамда ушбу давлатлардан замонавий технологиялар импортини йўлга қўйиш мумкин.

Мобиль тиббиёт, лабораториялар ташкил этиш борасида ҳам мулоқотлар олиб бордик. Яна бир йўналишимиз эса сув тозалаш йўналиши бўлиб, биз ер ости сувларини тозалаб, чучук сувга айлантиришимиз. Бунда саноат корхоналаридан оқиб чиқётган сувларни тозалаш масаласи



Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Урганч давлат
университети ректори,
физика-математика
фанлари доктори

Мамакатимизда туризмни ривожлантиришга эътибор йилдан-йилга ортмоқда. Соҳани тараққий эттириш бўйича алоҳида минтақа ва ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда тегишли чора-тадбир ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Хоразм воҳаси ҳам сайёҳлик ривожланган вилоятлардан бири. Чунки бунинг учун ҳудудда етарлича имконият бор ва истиқболда жадал ривожланиш салоҳиятига эга.



Урганч давлат университети ректори Баҳром Абдуллаев ўз сўзларини бошлаганида туризмни ривожлантиришга эътибор йилдан-йилга ортмоқда, соҳани тараққий эттириш бўйича алоҳида минтақа ва ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда тегишли чора-тадбир ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда, Хоразм воҳаси ҳам сайёҳлик ривожланган вилоятлардан бири, чунки бунинг учун ҳудудда етарлича имконият бор ва истиқболда жадал ривожланиш салоҳиятига эга.

Туризм ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-маданий аҳамиятга эга кенг қамровли тармоқ. Даромадлиги бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Яна бир муҳим томони, кам ҳаражат билан кўп иш ўринлари яратиш мумкин.

Ҳозир вилоятдаги тарихий-маданий мероснинг аксари ЮНЕСКО рўйхатида киритилган. Истиқболдаги вазифа воҳанинг туризм салоҳиятини янада ошириш, сайёҳларни кўпроқ жалб қилишдир.

Президентимиз раислигида 2023 йил 29 март кунини бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам бу борада сўз борди. Унинг ривожига тўсиқ бўлаётган муаммолар танқидий таҳлил қилинди, муҳим чора-тадбирлар белгиланди.

Кейинги пайтда соҳа изчил ривожланмоқда. Жумладан, 2022 йилда юртимизга ташриф буюрган хорижий сайёҳлар сони 2021 йилдагига нисбатан 3 баробар ошган. Соҳа экспорти 1 миллиард 600 миллион долларни ташкил этган. Ички туризм дастурлари доирасида 11 миллиондан зиёд аҳоли саёҳат қилган.

Йиғилишда қайд этилганидек, бу борада ҳамма ишлар кўнгилдагидек борапти, деб бўлмайди. Юртимизга иштиёқманд сайёҳлар жуда кўп. Лекин уларни қизиқтирадиган жойлар ҳақида контент кам, сайёҳларни 4-5 кун олиб қоладиган дастурлар етишмайди. Хорижликлар-

нинг Ўзбекистонда бир кун кўпроқ қолиши йиллик туризм экспортини 300 миллион долларга оширади. Мисол учун, Хоразмга хорижий сайёҳлар Бухоро ва Самарқандга қараганда 2 баробар кам бормоқда. Бироқ бу ерда ҳам сайёҳларни 3-4 кун олиб қолиш учун барча имконият мавжуд.

Шу боис, ушбу масалаларни ҳал этишга кўмаклашишга 11 та олий таълим муассасаси бириктирилди. Улар 31 та туман ва 143 та туризм маҳалласининг тарихи, ёдгорликлари ва диққатга сазовор жойлари ҳақида маълумотлар мажмуини яратиши белгиланди. Ана шу асосда 12 тилда туристик пакетлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилиб, туризм ва сервис объектлари ишчиларини ўқитиш режалаштирилди.

Урганч давлат университетида Боғот ва Хива туманларининг туристик салоҳиятини ошириш, сайёҳларнинг бу ерда кўпроқ бўлишини таъминлаш мақсадида илмий-амалий ёндашган ҳолда туризм объектлари ва маҳсулотлари контентини бойитиш вазифаси юкланди. Ушбу топшириқлар ижроси ўлароқ, ҳудудларда ўрганиш ишлари бошлаб юборилди.

Таҳлилларга кўра, 2022 йил давомида Хоразм вилоятдаги маданий мерос ва туризм объектларига ташриф буюрган хорижий сайёҳлар сони 137,5 минг,

маҳаллий сайёҳлар сони эса қарийб 1,5 миллион нафарни ташкил қилган.

Ҳозир Хива туманида (Хива шаҳридан ташқари) 6 та тарихий-археологик обида, 3 та зиёрат туризми объекти, 3 та ресторан, 1 та оилавий меҳмонхона, 3 та турооператор, Боғот туманида эса 1 та археологик, 1 та зиёрат туризми объекти, 2 та ресторан, 2 та оилавий меҳмонхона ва яна шунча турооператор фаолият кўрсатмоқда.

Хива туманидаги Чодра ҳовли туризм объекти 3 та турфирма йўналишларига киритилган бўлиб, улар томонидан 2022 йил мобайнида 200 нафар хорижий сайёҳ жалб қилинган.

Боғот туманидаги Қалажик қалъа сайёҳлик мажмуасига ҳам айтиш мумкин, уларнинг уч минг илгга тенг қалъа ва шифобахш хусусиятларга эга шўр кўл мавжуд. Кўл ёнида жойлашган соғломлаштириш маркази дам олиш жараёнининг асоси ҳисобланади.

Қорақум чўли ўртасида жойлашган Қалажик қалъа ҳудудида диққатга сазовор иккита асосий жой — ёши қарийб уч минг илгга тенг қалъа ва шифобахш хусусиятларга эга шўр кўл мавжуд. Кўл ёнида жойлашган соғломлаштириш маркази дам олиш жараёнининг асоси ҳисобланади.



Кўл суви таркибидаги фойдали элементлар юрак-қон томир тизими фаолиятини яхшилаш, қон айланишини барқарорлаштиришга ёрдам беради. Унинг узига хос шифобахш хусусиятларнинг машҳурлиги шу кунгача сақланиб қолган. Шунинг учун бу ерга кўп сайёҳлар дам олишга келади.

Лекин объект махсус туристик инфра-тузилмага эга эмас. Унга бориш йўллари тўроқ, қор ёки ёмғир ёққанда қийинчи-



ликлар туғдиради. Мажмуада 20 ўринли меҳмонхона, 200 ўринли ресторан ташкил қилинган.

Қалажик қалъа мажмуаси ён томонидаги "Бойхон балиқлари" фермер хўжалигига қарашли ҳудудларда ов ва сафар туризми каби сайёҳлик турларини ривожлантириш имконияти мавжуд. Боғот тумани боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган ҳудуд бўлгани сабабли, бу ерда узумчилик агро-туризм қишлоғини шакллантириш имконияти кенглиги маълум бўлди. Усталар маҳалласида жойлашган "Тоҳир Жанак" фермер хўжалигига тегишли дам олиш маскани бир вақтнинг ўзида 100 меҳмонга хизмат кўрсата олади. Мазкур объект негизда чўмилиш ва балиқ овлаш учун шароитларни янада яхшилаш зарур бўлади.

Хива туманида Говук сайёҳлик маҳалласи, Хон боғлари (Чодра ҳовли, Боғишамол, Қибла тозабоғ), шунингдек, Бибиҳожар она, Мухаммад Ризо Огаҳий ва Мунис Хоразмий каби зиёрат объектлари бор. Эндиликда улар сафини яна 9 тага бойитиш мумкинлиги аниқланди.

Шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, ҳозир маданий мерос ва туризм намоий объектлари бўйича контентларни яратиш мақсадида маълумотлар тўпланмоқда. Туристик пакетга кириштиш мумкин бўлган мазкур объектларнинг бугунги кундаги ҳолати таҳлил қилинмоқда.

Хива ва Боғот туманларининг туристик салоҳиятини ошириш бўйича 2023 йил давомида амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Хусусан, сайёҳларни жалб қиладиган объектлар таркибини ўрганиш

ва харитасини тузиш, Хоразм миллий санъатини акс эттирувчи анимацион дастурлар ташкил этиш, зиёрат туризмининг ривожлантириш мақсадида Биби Хожар она, Огаҳий ва Мунис Хоразмий (Хива тумани), Одина Эшонбобо (Боғот тумани) каби зиёратгоҳларини ўз ичига олган "Khorazm pilgrim tourism" туристик йўналишини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Хива туманидаги Говук маҳалласи ҳамда Боғот туманидаги Қалажик маҳалласи (Қалажик туристик ҳудуди) маълумотлар базасига киритилган объектларнинг контентларини яратиш ва янгилаб бориш, археологик, этнографик ва агротуризмни ривожлантириш мақсадида қишлоқ туристик кластерларини ташкил қилишнинг илмий асосланган таклифини ишлаб чиқиш, объектлар каталогларини рақамлаштириш сингари вазифалар олдимизда турибди.

Шунингдек, Боғот ва Хива туманларида туризмни ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқот мавзулари банкни яратиш, уларни магистрант, таянч докторант, докторант ва мустақил тадқиқотчиларга илмий тадқиқот мавзуси сифатида таклиф қилиш, сайёҳлар оқимини янада ошириш ва университет имкониятларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш учун Урганч давлат университети ҳузуринда турфирма очиб режалаштирилмоқда.

Бугун университетнинг иқтисодиёт факультетида туризм ва меҳмонхона хўжалигини бошқариш кафедраси фаолият юритиб келади. Унда 1 нафар DSc, 1 нафар д-р номзоди, PhD унвонига эга 4 нафар педагог бор. 2022-2023 ўқув йи-

лида туризм таълим йўналиши бугунги кунда туризм таълим йўналиши бўлиб туриш шаклини ташкил этиш ва бошқариш бўйича эса 62 нафарни ташкил этади.

Таълим жараёнига хорижлик профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш бора-борда ишлар давом этмоқда. "Таклиф этилган профессор" дастури доирасида таълим ва илмий тадқиқот жараёнига 60 дан ортиқ хорижлик профессор-ўқитувчи 1 ойдан 1 йилгача муддатга жалб этилиши режалаштирилган эди. Ҳозирги кунгача уларнинг 30 нафардан ортиги таълим ва илмий тадқиқот жараёнида иштирок этапти.

Университетимизда амалга оширилган 10 дан зиёд халқаро илмий тадқиқот ва таълим лойиҳаси доирасида эса хорижий ҳамкор таълим даргоҳларидан 70 дан ортиқ профессор-ўқитувчи ва эксперт ташриф қўлда тутилган. Табиийки, улар сафар давомида воҳанинг дунёга машҳур ёдгорликлари билан бир каторда, Хива ва Боғот туманидаги туризм объектлари билан ҳам танишади.

Туризм, меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш, тарих, археология, география, иқтисодиёт, биология, филология таълим йўналишлари бўйича тахсил олаётган 645 талабанинг малакавий амалиётини Хива ва Боғот туманидаги туризм объектларига ўтказиш кўзда тутилган бўлиб, бу борада тегишли шарномаалар расмийлаштирилди.

<http://www.travelkhorazm.com/> веб-саҳифасидаги тарихий-маданий ёдгорликлар, меҳмонхона, кафе ва рестороанлар, сайёҳлик йўналишлари туризмидаги маълумотларни янада бойитиш ва немис, француз, испан, япон ва хитой тилларига таржима қилиш, Хива ва Боғот туманларидаги тарихий-маданий ёдгорликлар, меҳмонхона, кафе ва рестороанлар тўғрисида ахборот берувчи ва турли хизматларни жамлаган мобил иловалар ишлаб чиқиш ҳам режалаштирилган.

Говук ҳамда Қалажик туристик маҳаллалари аҳолиси учун туризм бизнеси, хизмат кўрсатиш ва сервис, экскурсия хизматлари ҳамда меҳмонхона хўжалиги бўйича ўқув курсларини ташкил этиш, вилоят Туризм ва маданий мерос бош бошқармаси ҳамда маҳаллий турооператорлар билан ҳамкорликда 12 тилда (рус, инглиз, француз, немис, араб, япон, хитой, ҳинд, испан, португал, корейс, малай) Хива ва Боғот туманлари туристик салоҳиятини акс эттирувчи арзон туристик пакетлар ишлаб чиқиш устида ҳам иш олиб бориш кўзда тутилган.

ТОМОРҚАЧИЛИК

ОЁҒИМИЗ ОСТИДАГИ ХАЗИНА

Нукуслик Темирбой Ғаниев шаҳарда яшашига қарамай, томорқасидаги ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланишга одатланган. Бозордан пиёз, картошка ва бошқа полиз маҳсулотлари сотиб олмайди. Аксинча, рўзгоридан ортганини бозорга чиқаради. Темирбойнинг тинмай меҳнат қилиши баъзи бамайлихотир қўшилларига намуна ва туртки бўлди. Бугун Нукус шаҳрининг Кенагас кўчасида яшовчилар қўшни қўшиндан ўрнак олади, деган тамойилга амал қилиб, томорқа еридан унумли фойдаланишни йўлга қўйган.

"Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида ихтисослаштирилмоқда. Натижада овул ва маҳаллаларда дала дўконлари очилиб, ўрта ва кичик сифимли музлаткичи омборхоналар, полиз ва сабзавот экинлари қўшлари етиштирувчи энгил конструкцияли иссиқхоналар қурилаётди.

эртаки полиз ва сабзавот қўчатлари етиштирилиб, тўлиқ ички бозорга йўналтирилмоқда. Бундан ташқари, жорий йилда 49 та овул ва маҳалладаги аҳоли томорқасида жами 10,5 гектар майдонда ҳар бири 1-1,5 сотихли 804 та иссиқхона ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, бугунги кунгача уларнинг 421 таси қурилиб, эгаларига топширилди. "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида 21 та маҳаллани ихтисослаштириш, ҳар бир

Аҳолини камбағалликдан чиқариш, айниқса, чет давлатлардан кайтган фуқаролар бандлигини таъминлаш мақсадида қилинаётган ижобий ишларни Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманида ҳам кўриш мумкин.

— Туманнинг Анҳорли маҳалласидаги 1012 та хонадонда салкам 5700 киши яшайди. Уларнинг 174 нафари ишсиз. Шу билан бирга, имтиёзли кредит олиб, хонадонда ишсиз одамларнинг бандлигини таъминлаётган инсонлар ҳам талайгина, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Жавлонбек Аҳмедов. — Шундай фуқаролардан бири Жавлонбек Муротов. У чет элдан қайтиб, кредит олиб, ўз хонадонда товуқ қўяпти. Айни пайтда унинг товуқлари 1500 бош бўлиб, кунига 1000 та тухум бермоқда. Кунлик даромади ҳам шунча яраша — 700-800 минг сўм атрофида.

Шу туманлик Зафарбек Мухамматов оиласи ҳам бугун кичик тадбиркор. Бу оила кредит олиб, инкубаторда курка очирганини бошлаб юборган.

— Тумандаги 37 та маҳаллада 51 325 хонадон бўлиб, ўз томорқасидан самарали фойдаланиб келаётган оилалар анчагина. "Пахтачи" овул фуқаролар йиғинидаги хонадон эгалари ўз томорқасидан яхши ҳосил олмақда, — дейди туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Баҳодир Машарипов. — Шулардан бири Ашурмат Давлиев. У томорқасидаги 6 сотих иссиқхонасида помидор экади, 2 сотих узумзори бор, 80 қўти асалари, 3 бош насли қорамол ҳам парваришала келяпти. Бир сўз билан айтганда, Ашурмат ери билан тиллашиб,



заминдан юқори даромад олаётган ва маҳалла аҳолисига намуна бўлиб келаётган томорқачилардан бири.

Туманнинг "Уллибоғ" овул фуқаролар йиғини аҳли, асосан, иссиқхоначилик билан шуғулланади. Қишда ҳам қўчат етиштириб, сотади. Ҳудуддаги "Дилнур Солижон" фермер хўжалиги интенсив боғ яратиш мақсадида Туркиядан маҳаллий шароитга мос ва юқори ҳосилли 2 минг туп мевали кўчат олиб келди. Шунингдек, фермер хўжалиги далалари четига тўта ҳам экади. Бунга қўшимча равишда далага асалари уялари жойлаштириб, хўжалик майдонининг ҳар бир қарич еридан унумли фойдаланмоқда.

Аҳолини кундалик эҳтиёж учун зарур озиқ-овқат билан таъминлашда томорқа хўжалиқларининг ўрни катта. Амурдари туманида томорқа хўжалиги фаолиятини ривожлантириш мақсадида маҳаллалар

Жорий йилда тумандаги 39853 та томорқа ва 295 та деҳқон хўжалиги ихтиёридаги 6652,2 гектар экин майдонидан унумли фойдаланиш мақсадида туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши мутахассислари томонидан аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Унга кўра, 2023 йилда 5806,6 гектар майдонга эртаки экинлар, жумладан, 2731,1 гектарга сабзавот, 758,1 гектарга полиз, 869,2 гектарга картошка, 422,1 гектарга дўжакли, 160,9 гектарга мойли экинлар экиш режалаштирилган. 865,2 гектар ерга эса бошқа зарур экинларни жойлаштириш белгиланган.

— Айни пайтда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан 1141,2 гектарга пиёз ҳамда саримсоқ экилди. Аҳоли томорқасидаги 1183 та иссиқхонада



секторда 2 тадан маҳалла, 16 та кўча ва 521 тадан хонадонни томорқа хўжаликларига бириктириш режалаштирилган ва шу асосда иш олиб борилмоқда, — дейди туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Илҳом Полвонов. — Туман аҳолисини сифатли полиз ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида одамлар гавжум 8 та ва нисбатан камроқ аҳоли яшайдиган 4 та маҳаллада энгил конструкцияли дала дўконлари ва кичик сифимли музлаткич омборхоналар қуриш режалаштирилган.

Жорий йилнинг ўзида тумандаги 6000 та хонадоннинг кўча ва ҳовли четларига ток ниҳолини экиш кўзда тутилган бўлиб, айни пайтгача деярли барча хонадонлар ҳовлиси ва кўча қисмига экиб бўлинди.

Аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш мақсадида қувенчилик, қўй-эчки, қорамол, парранда боқиш ва



асаларичиликни ривожлантириш бора-борда ишлар ҳам самарали ташкил этилган. Қурилаётган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда 513 та хонадон томорқасида 51300 бош парранда парваришала ишлари бошлаб юборилди. Ушбу режага мувофиқ, аҳолига парранда етказиб беришга учта таъминотчи корхона бириктирилган. Айни пайтда 1223 та хонадоннинг ҳар бирида 65 бошдан парранда боқиш йўлга қўйилиб, бунинг натижасида 1223 та иш ўрни яратилди.

— Томорқа хўжалиқларига сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 8 та "Томорқа хизмати" МЧЖ ташкил этилди. "Яшил макон" умуммиллий ҳаракати доирасида "Амурдари томорқа хизмат" кластер корхонаси томонидан 6340 туп мевали ва манзарали дарахт кўча-ти олиб келиниб, томорқа ер эгаларига арзон нархларда тарқатилди, — дейди Илҳом Полвонов. — Томорқани халқимиз учун ҳақиқий таъминотчи корхонага айлантиришга кўмаклашиш мақсадида кенгашими ҳузуриндаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан имтиёзли кредит ажратилаётган томорқа ер эгалари учун қўлай имконият яратиб, уларнинг яхши даромад олишини таъминламоқда.

Бугунги кунда Қораўзақ туманида 9262 та деҳқон хўжалиги мавжуд бўлиб, 121,5 гектарга эртаки картошка экиш режа қилинган эди. Шу мақсадда туманга жами 119,2 тонна сифатли уруғ олиб келиниб, картошка экиш якунланиб қолди. Бундан ташқари, томорқа ер эгалари

помидор, пиёз, саримсоқ, сабзи ва сабзавот экинларини сифатли қилиб экиш, ишлов беришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

"Меҳнат — меҳнатнинг таги роҳат", дейди халқимиз. Ҳақиқатан, томорқасида меҳнат қилиб, ундан даромад топиш инсонга катта завқ беради.

Қўнғирот тумани "Қанли" овул фуқаролар йиғинида яшовчи Муротбой Бозорбоев ер билан тиллашиб, мўл ҳосил олиб келаётган томорқачилардан. Томорқасида 1 сотихли иссиқхона қуриб, помидор, бодринг ва редиска етиштирилмоқда.

Қанли маҳалласи азалдан деҳқонлар, боғбонлар макони бўлиб келган. Худуддаги кўп оилалар томорқасида боғ яратиш, оила аъзоларининг бандлигини таъминлаётди.

Олмазор маҳалласидаги Бўрибоевлар оиласи бозор мўл-кўл бўлишига ҳисса қўшаётган замондошларимиздан. Бу оила субсидия асосида томорқасида ихчамгина иссиқхона қуриб, ҳар хил полиз экинлари етиштирилмоқда.

— Қишинг охириги кўнлари эккан қўчатларимиз айни вақтда ҳосилга кирмоқда. Даромадимиз ҳам шунча яраша бўлади, — дейди оила бошлиғи Собит ога Бўрибоев.

Томорқа оёғимиз остидаги ҳазина, оиланинг доимий даромад манбаи. Шундай экан, томорқадан ўз вақтида ва самарали фойдаланишни билиш ҳар бир томорқа эгасининг муҳим вазифасидир.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ
"Янги Ўзбекистон" мухбири

ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДАГИ

ЮҚОРИ ЎРИН

ОТМларга нима беради? Талабаларга-чи?



Шерзод НЕЪМАТОВ, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бошқарма бошлиғи, физика-математика фанлари доктори, профессор

Бошланғич 1-бетда

2010 йилдан бошлаб THE WUR янги ишлаб чиқилган услубият асосида мустақил фаолият юрטי бошлаган ҳамда ҳар йили "Times Higher Education magazine" журнали билан ҳамкорликда ОТМлар рейтингини эълон қилишни йўлга қўйган. Бундан дастлаб рейтингни баҳолаш "Thomson Reuters" компанияси билан, 2015-2016 йилдан бошлаб эса "Elsevier" компанияси билан ҳамкорликда, ўз навбатида, "Scopus" халқаро илмий-техник маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда ўтказилган.

Дегарли барча халқаро рейтинг агентликларининг нуфузли ОТМлар рейтингини аниқлаш услубиятига айнан олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари томонидан амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар натижаларининг амалиётга жорий этилишидан олинган даромад индикатори муҳим аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан Президентимизнинг 2021 йил 24 декабрдаги "Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мамлакатимиздаги баъзи давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик тақдим этилган ижобий воқеа бўлди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 октябрдаги фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш мақсадида ОТМларда таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш узвий боғлиқлигини назарда тутувчи "Университет 3.0" концепциясини босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилган.

"Университет 3.0" концепциясига ўттиш нимани аниқлатади?

Олий таълим тизимимиздаги узоқ йиллик амалиёт натижаси шуни кўрсатдики, фақат қонвейер типли дипломли кадрлар тайёрлашга зўр бериш туфайли битирувчиларнинг бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардошлик даражаси пасайиб

кейтиши кузатилади. Мазкур салбий ҳолатни бартараф этиш учун ОТМлар фаолиятини таълим бериш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ва уларнинг натижасини тижорийлаштириб, даромад олишга йўналиштириш орқали молиявий мустақиллигини мустаҳкамлаш имконини берувчи "Университет 3.0" концепциясига ўттиш асосий мақсад сифатида белгиланди. Биз ҳаёт кечираётган юқсак ахборот асрида замонавий технологияларнинг дунё бўйлаб яшин тезлигида тарқалиши туфайли баъзи йўналиш ва ихтисосликларга талаб пасайиши, "ақлли", IT технологиялар бўйича мутахассисларга талаб кескин ортиши кузатилаётган. Ўз навбатида, ҳозирги ОТМ бозор иқтисодиёти қонуниятларига мос равишда қадам ташлаш олиши, таълим бозорига қатъий маркетинг стратегиясига эга бўлиши, трансформацион ўзгаришларга тайёр туриши талаб этилади.

Мазкур йўналишда мамлакатимиз ОТМларида профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчи ва талабаларда инновацион тадбиркорлик кўникмаси ва малакасини шакллантириш учун технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларини очиб, стартап лойиҳалар, илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш билан шуғулланувчи "spin-off" ва "spin-out" корхоналарини ташкил этишга алоҳида урғу берилмоқда.

Рейтингда юқори ўрин эгаллаш нима учун керак?

Дунё миқёсида таълим маконида ўқитиш хизматларини тақлиф этаётган муассасаларнинг асарияти айнан хусусий ОТМлардан иборат. Табиийки, бу ўринда олий таълим муассасасининг ўзини ўзи молиялаштириши масаласи асосий аҳамият касб этади. Шу рақурсдан қаралса, олийгоҳлар жамоаларида хорижий талабаларни жалб қилиш, ўз навбатида, фаолиятини такомиллаштириш ва кенгайтириш имконини берувчи потенциал инвестицияга эга бўлиш истаги туғилади. Бироқ табиат ва жамиятнинг қаттиққўл қонунияти — "яшаш учун кураш" давомида нафақат етакчи бўлиш, балки ўз ўрнини топиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

Мазкур ҳолат ОТМдан фаолиятини мунтазам такомиллаштириш, таълим сифати устида тинимсиз бош қотириш, самарали, замон талабларига жавоб бера оладиган, эҳтиёж юқори бошқа йўналиш, мутахассисликлар бўйича трансформацияланиш имкониятига эга, олий малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашни тақозо этади. Бу жараёнда ОТМ ўз йўналишидан келиб чиқиб, хориждаги етакчи университетларнинг илгор тажрибасини муттасил таҳлил қилиб бориши, маҳаллий шароитга мос келувчи янгиликларни ўзлаштириши, шунингдек, глобал таълим маконига мослашишга ҳаракат қилиши, самарали халқаро ҳамкорлик ўрнатиш бўйича истиқболли стратегияга эга бўлиши зарур.

Хўш, бизда аҳвол қандай?

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ҳамда Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг 47-мақсадида

2026 йилга қадар 10 та салоҳиятли ОТМни "Quacquarelli Symonds — QS" ва "Times Higher Education — THE" халқаро рейтинг агентликларининг нуфузли университетлари рўйхатида киришига мақсадли тайёрлаш кўзда тутилган. Утган қисқа даврда мазкур йўналишда қилинган ишлар натижасида муайян ютуқларга эришилди. Жумладан, утган йили 12 октябрда Буюк Британиянинг нуфузли рейтинг ташкилоти — "Times Higher Education" агентлиги эълон қилган "Дунё олий таълим муассасалари рейтингини — 2023" (World University Rankings — 2023) рўйхатида юртимиздаги 18 та ОТМ даъвогар мақомида экани қайд қилинди. Утган икки йилда етакчи ОТМларнинг 1000 талиғи қаторидан жой олиш учун даъвогар олийгоҳларимиз сони 2021 йилдаги 10 тадан 2022 йилда 28 тага етди.

Шунингдек, THE ташкилотининг "THE Impact Rankings" рейтингини 2021 йили 10 та, утган йилда эса 30 та олий таълим муассасамиз ўрин эгаллади. 2022 йили 8 ноябрда 23 давлатдан 760 университет иштирок этган QS "Ocie" университетлари рейтингини (Asia University Rankings — 2023) дан Ўзбекистоннинг 8 та олийгоҳи жой олди.

Мазкур рейтингда "ТИҚХММИ" Миллий тадқиқот университети ҳамда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети етакчи университетларнинг 500 талиғига киритилди.

QS рейтинг ташкилоти билан яқиндан олиб борилаётган тизимли чора-тадбирлар натижасида 2021 йилда ривожланаётган Европа ва Марказий Осиё давлатлари рейтингинида илк бор мамлакатимизнинг 4 та олийгоҳи, утган йили мазкур ташкилотнинг "Фан соҳалари рейтингини" (Subject Rankings) да Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети математика соҳасида эришган натижалари бўйича дунёнинг илгор 500 университети қаторидан (451-500 ўрин) жой олди. 2023 йилда мазкур рўйхатдан юртимизнинг 2 та олий таълим муассасаси 4 та фан соҳаси бўйича ўрин эгаллади.

Президентимизнинг 2021 йил 19 майдаги "Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни урганиши оммалаштириш

Table with 3 columns: ОТМ номи, Осиёдаги ўрин, Марказий Осиёдаги ўрин. Rows include TIQXMMI, Mirzo Ulughbek, Toshkent Moлия, Islom Karimov, Sharof Rashidov, Toshkent Davlat Agrar, Berdak, and Nizomiy.

фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш йўналишида қурилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон Миллий университети "Замонавий тиллар" фан соҳасида "Quacquarelli Symonds — QS World University Rankings" халқаро рейтинг агентлигининг 2023 йил учун "Фан соҳалари рейтингини" (Subject Rankings)да 151-200-ўринни эгаллади.



навий тиллар" фан соҳасида "Quacquarelli Symonds — QS World University Rankings" халқаро рейтинг агентлигининг 2023 йил учун "Фан соҳалари рейтингини" (Subject Rankings)да 151-200-ўринни эгаллади.

Шу билан бирга, халқаро рейтинг агентликларининг нуфузли университетлар рўйхатида киришида ОТМнинг профессор-ўқитувчилари, талабалари ва тадқиқотчиларининг хорижий тилларни билиш даражаси асосий омиллардан саналади. Яъни халқаро рейтинг агентликларининг олийгоҳ фаолиятини баҳолашида "Scopus", "Web of Science" ва бошқа халқаро нуфузли илмий-техник маълумотлар базалари маълумот манбаи вазифасини ўтайди. Ўз навбатида, ОТМда амалга оширилаётган илмий тадқиқот натижаларини мазкур базаларда индекслашувчи юқори импакт факторга эга илмий журналларда мақола шаклида нашр этилиши хорижий тилларни мукамил билиш зарурати мавжуд. Шунингдек, халқаро илмий омма, коллаборациялар билан эркин мулоқот кириши олишида ҳам чет тилини билиш муҳим ўринга тутилади.

Ўзбекистон Миллий университети математика фани соҳасида "Quacquarelli Symonds — QS World University Rankings" халқаро рейтинг агентлигининг 2023 йил учун "Фан соҳалари рейтингини" (Subject Rankings)да 351-400-ўринни, физика ва астрономия соҳасида 501-550-ўринни; Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари" Миллий тадқиқот университети атроф-муҳит тўғрисидаги фанлар соҳасида 351-400-ўринни, бундан ташқари, муҳандислик ва технология соҳаси бўйича рейтингини 451-500-ўринни ҳамда табиий фанлар бўйича 501-520-ўринни эгаллади. Бошқа рейтинг агентликлари юритадиган дунё университети лари рўйхатида ҳам мамлакатимиз ОТМлари муносиб ўринларга эга.

Жумладан, The Ranking Web "Webometrics" рейтинг тизими 2004 йилдан бошлаб фаолият юритади. Ҳозир 200 дан ортиқ давлатда жойлашган 31 миң ОТМ фаолиятини барча кўрсаткичлар бўйича баҳолайди. 2023 йил январь ойи ҳолатига кўра, мазкур рейтингда дунё олий таълим муассасалари орасида "ТИҚХММИ" Миллий тадқиқот университети 3624-ўринни, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 3641-ўринни эгаллади.

"Scimago" (Scimago Lab) консалтинг компаниясининг ОТМлар илмий-тадқиқот, инновацион фаолият ва ижтимоий нуфузи кўрсаткичлари бўйича рейтингини 2023 йил март ойи ҳолатига кўра, юртимиздаги 5 та ОТМ ("ТИҚХММИ" Миллий тадқиқот университети 330-ўринни; Тошкент давлат аграр университети 3601-ўринни; Тошкент давлат техника университети 4101-ўринни; Тошкент ахборот технологиялар университети 6182-ўринни; Ўзбекистон Миллий университети 7364-ўринни) ўрин эгаллади. Шунингдек, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети "Round University Ranking — RUR" рейтингини 754-ўриндан жой олди.

Истиқболдаги режалар қандай?

Ҳозир Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан юртимиздаги олий таълим муассасаларини халқаро нуфузли рейтинг агентликлари университетлари рейтингига киритишга тайёрлаш

йўналишида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2026 йилга қадар 18 та салоҳиятли олий таълим муассасасини QS ва THE халқаро рейтингларига киритиш бўйича мақсадли дастур ишлаб чиқилди.

Дастурда мамлакатимиз олий таълим муассасаларини QS ва THE халқаро рейтингларига киритишга тайёрлаш юзасидан кенг қўламини аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Айни пайтда вазирликнинг таълим муассасалари фаолиятини таҳлил қилиш бошқармаси томонидан хорижий ташкилотлар экспертларини жалб қилган ҳолда, танлаб олинган ОТМларнинг мақсадли дастурда белгиланган кўрсаткичларга эришиш бўйича доимий семинар-тренинглари ташкил этиб келинмоқда.

Глобал муаммоларнинг рейтингга таъсири ўрганилмоқда

ОТМларнинг глобал рейтингини аниқлаш охириги 20 йилдан зиёд вақт мобайнида доимий муҳомададаги масала сифатида дунё жамоатчилиги диққат марказидан тушмай келаётди. Рейтингни аниқлаш методлари ҳам ўзгармай сақланиб, ҳанузгача олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва таълим муассасасининг илмий соҳадаги мавқеи етакчи рейтингларнинг асосий мерозини сифатида эътироф этилмоқда. Коронавирус пандемияси ҳамда иқлим ўзгаришига доир глобал муаммолар олий таълим тизимига ҳам таъсир ўтказмоқда ва ОТМлар рейтингини аниқлаш жараёнида айрим жиҳатдан босимни юзага келтирмоқда.

Яқинда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан халқаро рейтинг ташкилотлари, университетлар ҳамда маънафатдор томонларнинг институционал натижалари уюшмаси — "Академик рейтинг ва мукамиллик бўйича халқаро IREG обсерваторияси"нинг халқаро илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти "Миллий тадқиқот университетида "Рейтинглар ва университетларнинг халқаро мавқеи" мавзусида ташкил этилган анжуманда 40 дан ортиқ мамлакатдан келган ОТМ раҳбарлари ва олимлар, халқаро ташкилотлар мутасаддилари ҳамда экспертлар иштирок этди.

Конференцияда рейтингларнинг ижтимоий муаммолар ҳамда асосий глобал муаммоларга қаратилган кўрсаткичлар ва маълумотларни баҳолаш имконияти, жумладан, Марказий Осиёдаги университетларнинг глобал олий таълим тизимидagi мавқеини яхшилаш йўлидаги ҳаракатлари муҳокама қилинди. Шунингдек, қатор мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Бельгия, Бирлашган Араб Амирлиги, Германия, Индонезия, Испания, Ливан, Ливия, Нидерландия, Польша, Саудия Арабистони, Туркия каби давлатлардаги олий таълим тизими ва муассасалари раҳбарлари, турли халқаро ташкилотлар мутасаддилари ва мутахассислари глобал барқарор тараққиётни таъминлашда университетнинг ўрни, илм-фаннинг замонавий йўналишлари ва олимлар олдига турган асосий вазифалар, дунё рейтингларининг геосиёсий ўзгаришлар ва ижтимоий мақсадларга мослашувида доир муаммолар каби йўналишларда маъруза қилди. Илгори сурилган тақлифлар юзасидан қизгин муҳокама олдига ўтказилди. Соҳадаги муаммоларни ҳал қилишда янги ғоя ва ёндашувлар тақлиф этилди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАИ: ДАВР ТАЛАБИГА АЙЛАНАЁТГАН ИЛГОР УСЛУБ



Нурулло ЗИКРИЛЛАЕВ, Тошкент давлат техника университети профессори, физика-математика фанлари доктори

Бошланғич 1-бетда

Зеро, ҳозирги кунда энергияга бўлган эҳтиёжини қондириш нафақат Ўзбекистон, балки дунё миқёсида долзарб муаммолардан бирига айланган. Айни пайтда ривожланган давлатлар электр энергия-

сини олишда анъанавий усулдан кўра, қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтмоқда.

Жумладан, Германияда "яшил" энергиядан фойдаланиш бўйича давлат дастури ишлаб чиқилган. Унда энергияга бўлган талабни қуёш, шамол, геотермал ва бошқа қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига қондиришда истиқболли ҳамда экологик тоза энергия олишнинг имкониятлари кўрсатиб берилган. Шунингдек, бугунги кунда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича Япония, Хитой, АҚШ, Испания ва Ҳиндистон ҳам етакчи давлатлар сирасига қиради.

Эътиборлиси, Ўзбекистон ҳам бу борада катта имкониятга эга мамлакат. Географик жойлашувига кўра, юртимизда йилнинг 300 кундан ортиғи қуёшли саналади. Яъни ҳар кун иртубат 10-12 соат давомида офтоб нуруни электр энергиясига айлантириш мумкин. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон шароитида қайта тикланувчи энергия манбалари орасида қуёшдан электр энергияси олиш энг мақбул усул.

Қуёш станцияларини яратишда эса асосий материал яримўтказкич кремний ҳисобланади. Хўш, у ўзини нима? Ўзбекистонда кремний олиш имконияти қандай?

Ҳозирги кунда электроника саноатида асосий материаллардан бири сифатида монокристалдан фойдаланилади. Яъни унинг электроникадаги улуши 90-95 фоизни ташкил қилади. Шу боис, кремнийга бўлган талаб доим юқори. Қуёш батареяларидан электр энергиясини олишда ҳам кремний асосий материалдир. Кремний монокристалл, поликристалл ёки аморф ҳолатда бўлишидан қатъи назар, олимлар томонидан унинг асосида қуёш элементларини яратиш имконияти кўрсатиб берилган. Айни чоғда ушбу технология мукамаллаштирилиб, қуёш элементларининг таннархасини камайтириш ва самардорлигини ошириш мақсадида илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Аслида, Ердаги куруқликнинг тахминан 27,6 фоизи кремнийдан иборат бўлиб, захираси кўпلىги жиҳатдан азотдан кейин иккинчи ўринда туради. Саноат миқёсида электроника соҳаси

учун бошланғич кремний материални олишда ишлатиладиган хомашё қум (кварц) доим ҳам талабга жавоб берадиган кремнийнинг бошқа бегона моддалар атомларидан тозаланганлик даражаси юқори бўлиши талаб этилади. Бундай технология талабга жавоб берадиган замонавий қурилмаларни хорижий давлатлардан олиб келиб ўрнатилган олдин Ўзбекистон ҳудудига мавжуд кремний (кварц) захираларининг тозалигини ўрганиб, асосий хомашё базаси жойлашган ҳудудларни аниқлаш керак бўлади.

Ўзбекистон олимлари ва мутахассислари бу борада айрим тажрибаларга эга. Хусусан, УэФА Физика техника ҳамда Ион-плазма ва лазер технологиялари институтлари олимлари лаборатория шароитида монокристалл, поликристалл ва аморф кремнийни олган ҳамда уларнинг электрофизик параметрларини чуқур ўрганган. Шунингдек, кремний пластинкалари асосида қуёш элементларини яратишда ҳам юртимиздаги илмий-тадқиқот институтларида ва



олий таълим муассасаларида илмий изланишлар олиб борилган. Бунинг натижасида "Навоийазот" АЖ ва Ангрэн иқтисодий зонасида яримўтказкич кремний материални олиш технологияси асосида дастлабки техник кремний олинган.

Иқтисодиёт ривож ва аҳоли фаровонлиғига энергияга бўлган эҳтиёжини қондиришда эришиб бўлмайди. Шу жиҳатдан олганда, қуёш нуруни электр энергиясига айлантириш энг истиқболли йўналиш саналади. Қуёш электр станцияларини барпо этишда ўзимизнинг яримўтказкич кремний материаллари асосида яратилган панеллардан фойдаланиш нафақат иқтисодий наф беради, шу билан бирга, илм ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Бу соҳани ривожлантиришга хизмат қилувчи замонавий мутахассис-кадрларни тайёрлаш бўйича университетимизда етарли тажриба тўплаган. Улар бақара ҳамда магистрларга қайта тикланувчи энергия манбаларини яратишда ишлатиладиган замонавий материаллар, мавжуд қуёш барьерлари ва шамол генераторларининг самардорлигини ошириш каби замонавий фанлардан билим бериб келмоқда.

Республикаимизда электр энергиясига бўлган талабнинг йиллик ўсиши ўртача 6-7 фоиз эканини инобатга оласак, ўз-ўзидан яримўтказкич кремний материалга бўлган талаб ҳам ошиб бориши аён бўлади. Демак, ушбу йўналишдаги кадрларга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бораверади.

Энергияга бўлган талабни қондириш, умуман, бу борадаги муаммони фақатгина электр энергиясини ишлаб чиқарувчи манбалар (анъанавий ва қайта тикланувчи) ни топиш ва улар асосида янги электр станцияларини ишга тушириш билангина ҳал қилиб бўлмайди. Бу турли соҳа вакилларининг биргаликда олиб борадиган илмий фаолиятига ҳам боғлиқ. Яъни энергетика соҳаси ривожини, энергия ресурсларини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнида энергиядан оқилон фойдаланиш ҳамда тежамкор технологияларни қўллаш билан шаклланди. Бунда мавжуд технологиялар, шу жумладан, қуёшдан электр энергиясини олишдаги технологияни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириб бориш талаб этилади.

ИСТЕЪДОД

Мен куйлайман НАМАНГАННИНГ ОРИ УЧУН

деғди Мопнинг бахти қизи Сайёра Султонова



Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлигида жорий йил 6-8 май кунлари Гулистон шаҳрида бўлиб ўтадиган III Халқаро бахшичилик санъати фестивали олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Фестивалда 1,500 дан ортиқ ижодкор иштирок этиши кутилмоқда. Унда қатнашиш истагини билдирган 40 дан зиёд хорижий давлатлардан бахшичилик санъати мусиқа ижрочилари, таниқли маданият ва санъат намояндлари ҳамда ОАВ вакиллари ташриф буюради.

Анжуманда халқаро фестивал доирасида ўтказиладиган тадбирлар, уларнинг миллий маданиятимиз ва юртимиз туризм салоҳиятини оширишдаги ўрни юзасидан фикр алмашилди. Юнус Ражабий номидаги миллий мусиқа санъати институти талабалари томонидан бахшичиликнинг турли йўналишида ижролар намойиш этилди.

Венгрия, Греция, Япония, Миср, Германия, Арманистон, Исроил, Литва, Словения, Индонезия каби давлатлардан жирав-оқинлар қатнашадиган мазкур фестивал бугунги мақоламиз қаҳрамони, наманганлик ёш бахши Сайёра Султонова яна бир катта мактаб бўлишига умид қиламиз.

Водийнинг доводидан ўтган йўловчи борки, аксарияти Кўқон, Наманган патриоги кўртдан бола-чақага деб сотиб олади. Сотуви аёлларнинг қулқони қоматга келтирадиган чорловлари биринчи бор бу ерда бўлиб турган харидорни доводирати қўяди ҳатто. Қўқаси, уларнинг ҳар бири бу ишнинг устаси бўлиб кетган.

Бундан 3-4 йил олдин шу патир сотувчиларнинг бири бўлган, ҳаёт, тиричилик шунақа экан-да, деб ўйлаган поплик Сайёра Султонова маданият вазири Президентимиз эътиборига тушишини тушида ҳам қўрмагани аниқ. Аммо орзуга айб йўқ, деганларидек, у хаёлан "Маҳаллада дув-дув гап" фильмидаги Сайёранинг ўрнида ўзини тасаввур қилиб, эски, қадрдон қўшиқлари ўзича хиргойи қилиб юрарди. Чекка бўлса-да, тоғнинг тоза ҳавоси, қишлоғининг сўлим табиати, алвон лоплару, эшак минган тўполончи болалар ҳам унга илҳом берарди.

"Мен ҳам шу ишга ҳисса қўшсам бўлади-ку"

Қаҳрамонимизни ҳам ота, ҳам она бўлиб улғайтирган онаизор эса рўзгордан зигирча орттирганини ҳам "қизимни барибир ўқитаман", деган ниятда йиғиб қўярди.

Ушалмаган орзуларимни қизим рўёбга чиқаряпти

2019 йили Юнус Ражабий номидаги Миллий мусиқа санъати институтида бахшичилик йўналиши очилгани эълон қилинди. Басоҳат опа қизини шу йўналишда ўқишга ундади. "Қизим, кичкина қишлоқда яшасан. Санъатга қизиқганим билан мен ҳеч ким бўла олмадим. Зора, сен шу соҳада бўлсанг, мен ҳам бахшичилик бўйича илганишга ҳақли бўлардим", деди. Барибир эстрада йўналишида ўқийман, деб туриб олган Сайёра онасининг руҳсати билан Ўзбекистон давлат консерваториясига онлайн ҳужжат топширди. Бирок ҳужжатлари фольклор йўналишига ўтказилиб, янги очилган Миллий мусиқа санъати институтига юборилди.

Бир оз вақт ўтган, пойтахтдан қўнғирок бўлиб, имтиҳон кўни айтилди. Басоҳат опа қўнғирок қилган одамдан "Имтиҳонда қизим қандай қўшиқ айта бўлади", деб сўради. "Қўшиқ эмас, дoston айтиди", деган жавобини эшитиб, "Ие, нега дoston айтиди, ахир эстрада йўналишига ҳужжат топширган бўлсан", деди. Хабарчи эса Сайёранинг ҳужжатлари фольклоршунослик, бахшичилик йўналишида эканини айтиди. Қувониб кетган она "Қизим, сен ўзинг билмаган ҳолда мен хоҳлаган жойга ҳужжат топширибсан-ку, қандоқ яхши", деганини билади, қизи жаҳл билан "Мен эстрадага топширганман, бошқасида ўқийман", деди. "Бир йил умринг ўтади, жон қизим, ёшинг ҳам катта бўлсан. Қани, бир ҳаракат қилиб кўр, ёқса ўқийсан, бўлмаса, бошқа факультетга ўтказиб олиш мумкин-ку", дея ёлворди она. Шундан сўнг қизнинг кўнгли юмшаб, "Хўш, қайси дostonни айтаман, мен дoston айтишни билмайман-ку", деб қўлди. Онасида Бахтиёр бахшининг "Алломиш" дostonидан парча бор эди. Мутахассисларга кўра, у бузиб айтилган экан. Ҳаваскор она фикрича эса дostonни қандай қилиб бўлмасин, одамлар қалбига сингдириш керак. Ҳаддан зиёд бўйғ овоз ва шевада унча-мунча гаплар тушунарлироқ бўлади.

— Дoston ҳам эртасига ўхшаган нарса-да. Одам воқеани тушунамй қолса, охири нима бўлишига қизиқари. — дейди опа.

Хуллас, Сайёра "Алломиш" дostonини ўрндади. Устозлар қизининг ўзини ҳам бадиҳақий бўлиши, қўйга солса олиши керак, дейишган эмасми, ўзининг ҳаётини ҳижоя қилиб берди. Бу борада у Шомурод бахшининг "Поездларга ўтирдик, онам сочини ёйиб жила-йўқ" деганлари, уч ёшида болалар уйига борганию, у ердаги интизорликларидан гоё олди. Сайёра онасининг ҳижоясини Шомурод бахши йўналишида ёзиб олди:

Онам мени улғайтирди отамиз,
Кам қилмай бой қизларидек ўстирди.
Онам-эй, жон онам...
Куюгим, келажоқ,
Бир босай бағрим.

Имтиҳон бошланди. Сайёра аввалига онаси эшитиб юрадиган "Алломиш" дostonидан парчани айтиди. Ҳакамлар ижро бузиб айтилди, дейишди. Қиз эса "Тўхтаглар, яна бир ижро қилишимга руҳсат беринглар", деб ўзининг термасини ижро этиб берди. Ҳакамларнинг-да кўзига ёш келиб, "Э, Сайёра шунинг одинорқ айтмабсиз-да", дейишди. "Ўзингиз ёзибсиз, таъсирли терма бўлибди, онангиз тирикми", деб сўрашди.



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

Оддий қишлоқ қизи жонсарак, орзуамд онасининг меҳнату машаққати ила шартнома асосида талабага айланди. Басоҳат опа чексиз қувонди, буёғига тўқис оила учун ҳам осон бўлмайдиган шартнома тўлашдек бир масъуляти гарданга илганига ҳам кўнглини гаш қилмади. Эртасига худо пошшо ахир...

Ноёб совға асл эгасини топди

Сайёра 2-курсда ўқиётганида Басоҳат опа у билан ўша телевизорда кўрган — орзусидаги фестивалга, Қорақалпоғистонга борди. Фестивалда унга қорақалпоғистонликларнинг миллий кийимлари, Сурхондарёнинг фольклор жамоалари гоёт ёқди. Ҳар бир вилоят жамоалари ўзига хос эди. Катта ёшдаги аёллар ҳам фольклор йўналишида саҳнага чиқиди. Уларга ҳавас қилди. Фарзанди Сайёра эса саҳнада қорақалпоқча

"Кенес нағмаси" қўшиғини ижро этди. Қўпчилик "Наманганда бахшичилик санъати, бахшилар йўқ-ку", дея қизнинг ижросига ажабланди. Онаси уларга Наманганда ҳам бахшилар борлигини айтган экан, юртига қайтган, албатта, ўша бахшиларнинг фаолиятини чуқурроқ ўрганишни дилига тугиб қўйди.

Уша максатда изланиб юрган қўнғиранининг бирида Яратганининг ўзи унга яна бир марҳамат кўрсатди. Аёл катта йўлга қадар олиб бориб қўйишни илтимос қилиб тўхтатган бир ҳайдовчи унинг қўлидаги "Алломиш", "Гуруғли", "Рустамхон" дostonларини кўрди. Балки шунинг учун ҳам тўхтаганда эҳтимол. Чунки бу инсон кирақаш эмас,

машина ҳам қимматбаҳо, Поп туманидаги "Табассум" бозори раҳбари эди. Не ажабки, машинасида Поп тумани тарихи ҳақидаги китоб бор экан. Асл китобхонни топсам, шу китобни совға қиламан, деган бу ҳимматли инсоннинг совғаси чин эгасини топганди. Басоҳат опа уйига қандай етганини билмади. Йўл-йўлакай китобни арақлаб, наманганлик Раззок бахши Қозқобой ўғли, Мадраим бахши Болтабой ўғли ҳақидаги маълумотларни топиб улғурди. Уларнинг уларини сўраб-сўраб топиб ҳам борди. Ҳатто айрим кўлемларини, Раззок бахшининг дўмбирасини уйига олиб келди.

Дарвоқе, Сайёра тахририятимизга дўмбирасини кўтариб кириб келган чоғ сурхондарёлик бир ҳамкасбимиз "битта дoston айтмай кетмайсиз-а", деди. Мақоланинг у ёқ-бу ёғини тўғривганимизга кеч бўлди. Ишмиз битта, энди битта терма эшитайлик, дедик. Ёш бахшининг овозини эшитиб, ҳали уйига кетмаганлар бирин-кетин кириб

машина ҳам қимматбаҳо, Поп туманидаги "Табассум" бозори раҳбари эди. Не ажабки, машинасида Поп тумани тарихи ҳақидаги китоб бор экан. Асл китобхонни топсам, шу китобни совға қиламан, деган бу ҳимматли инсоннинг совғаси чин эгасини топганди. Басоҳат опа уйига қандай етганини билмади. Йўл-йўлакай китобни арақлаб, наманганлик Раззок бахши Қозқобой ўғли, Мадраим бахши Болтабой ўғли ҳақидаги маълумотларни топиб улғурди. Уларнинг уларини сўраб-сўраб топиб ҳам борди. Ҳатто айрим кўлемларини, Раззок бахшининг дўмбирасини уйига олиб келди.

Дарвоқе, Сайёра тахририятимизга дўмбирасини кўтариб кириб келган чоғ сурхондарёлик бир ҳамкасбимиз "битта дoston айтмай кетмайсиз-а", деди. Мақоланинг у ёқ-бу ёғини тўғривганимизга кеч бўлди. Ишмиз битта, энди битта терма эшитайлик, дедик. Ёш бахшининг овозини эшитиб, ҳали уйига кетмаганлар бирин-кетин кириб

қилишди. Сайёранинг воҳа дostonчилиғини ҳам яхшигина ўрганиб, дўмбирара қўли келиши қолганига оқшорди бўлди. Кимлардир телефонига видеога ҳам мўҳрлади. Хуллас, Наманганнинг ори учун куйлайман деб, хонани жаранглатган ёқимли овоз таъсирида чарчоқдан халос бўлгандек бўлди.

"Наманганда ҳам бахшичилик мактабини ташкил этишга ҳисса қўшаман"

Бу ёғини Сайёранинг ўзидан эшитамиз: — Дастлаб институтида келганимда, мусиқий саводхонлигим бўлмагани учун жуда қийналдим. "Сендан бахши чиқмайди, фольклоршунос бўлишинг керак", қабилда қаршиликлар бўлди. Шунда ҳам тушқунликка тушмадим. Изланиш, интилишдан тўхтамадим. Хайриятчи, уларнинг барчаси ўсишимга хизмат қилди. Биринчи бор Қорақалпоғистонда халқаро танловда қатнашдим. Урин олопмасам-да, танлов менга катта мактаб бўлди. Дўмбирара чалиш, аудитория билан ишлашни ўргандим. Кейин Бўзатов фестивали Наманган босқичида 1-уринни олдим. Республика босқичида иштирок этиш учун яна Қорақалпоғистонга бордим. Президентимиз телевизорда қорақалпоқ тилида айтган қўшиғимни эшитиб, мен қорақалпоқ қизи, деб ўйлабди. Кейин ҳоқим Шавкат Абдуразақовга алоҳида табригини етказиб қўйишни тайинлабди. Вилоят ҳоқими туманимизга қаҳиртириб, менга бу ҳақда айтганида ўзимни дунёдаги энг бахтиёр талабадек ҳис қилдим. Кейин қимматбаҳо совғалар топширди.

Сўзим сўнггида албатта айтиб ўтишим керакки, дўмбирани Фарғона-Тошкент йўналишида қаладиган биринчи устозим Нуриддин Аминқоновдан "Интизор" дostonини ўргандим. Наманган бахшичилиғини ўрганишимга ҳам шу устозим сабабчи бўлди ва яқиндан ердан берди. Хоразм йўналишида эса Отахон Маткубов устозлик қилди. У инсондан "Ошиқ Ғариб ва Шохсанам" дostonларини ўрганганман. Айни пайтда Сурхондарё йўналишида институтида устозим Зафар Ҳайитов ва Илҳом Нуровдан сабоқ оляганман.

Насиб қилса, келажакда аввало, устозларимнинг, онамнинг ишончини оқлаб, бахшичилик санъати ривожига ўз хиссамни қўшаман. Энг катта максимам — Наманганда бахшичилик мактабини ташкил этиб, шу санъатни ривожлантириш. Мени ютуқларга сазовор этган Наманган бахшичилиғини тиклаш ҳақидаги мақоламни эса чет эл журналларида бериш ниятим бор. Яқинда Сирдарёда бўлиб ўтадиган халқаро бахшичилик фестивали олдидан эса барча бахшиларимизга муваффақият, шу санъат йўлига кирган йилгит-қизларга йўллари ҳаммиша ёруғ бўлишини тилаймиз! Зеро, авлодлари ота-боболари йўлидан бориб, уларнинг боқий меросини асраб-аваляган юртинг келажаги, албатта, порлоқ бўлади.

Муножабат МҮМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

СПОРТ

САНЪАТ, ФАЛСАФА, МАНТИК барчасини ўзида жамлаган интеллектуал ўйин



Шахмат ақлни чархларда энг яхши восита. Дунёда оммалашган ва кўп минг йиллик тарихга эга бу қизиқарли ўйин замирида санъат, фалсафа, мантик, ҳисоб илмлари мўжассам. Маълумотларга кўра, бугунги кўнда дунёда 500 миллиондан ортиқ киши шахмат ўйнайди.

мажмуасида бўлиб ўтди. Финалда ҳар бир йўналиш бўйича ғолиблар 50 миллион сўм, 2-урин 30 миллион сўм, 3-урин эгаси 20 миллион сўм билан тақдирланди. Мазкур турнир илк марта маҳалла, сектор, туман, вилоят ва республика босқичларида ўтказилди. Унда 327 878 нафар шахмат иштироки иштирок этди.

Навоий вилоятида шахмат янада ривожланишида Президентимизнинг 2022 йил 5 августдаги "Шахматни янада оммалаштириш ва ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам муҳим ўрин тутди.

Унга кўра, Қизилтепа туманидаги Тўдақул дам олиш базасида халқаро шахмат мактаби ташкил этилади. Қолаверса, жорий йилдан бошлаб ҳар йили муқофоти 50 минг долларлик "Women's Chess Championship" халқаро турнири ҳамда "Uzbekistan Chess Open" халқаро турнири ўтказилади.

Халқаро мактабда шахмат олимпиадаси ва Осие ўйинлари, жаҳон ва Осие чемпиононлари, университетлар ҳамда бошқа мусобақаларда қатнашувчи халқаро даражадаги шахматчилар тайёрланади. Уларни ўқитишга малакали мутахассис-мураббийлар, психолог ва услубчилар, шу жумладан, машҳур халқаро гроссмейстерлар жалб этилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, ўқув-машқлар жараёнига энг янги илмий-услубий технологиялар жорий

этилади. Бу йўл билан шахматчиларни назарий ва техник-тактик жиҳатдан тайёрлаш сифати ошириб борилади. Мураббийлар ва шахматчилар маҳоратини ошириш учун тажриба алмашиш бўйича хорижий шахмат мактаблари, клублари ва марказлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилади. Халқаро шахмат мактаби давлат бюджети

таърифлари, фаолият ихтисослиғи бўйича товарларни реализация қилишдан ва мактаб устасидаги ваазифаларга мувофиқ бўлган бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қўнғичлик ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалардан молиялаштирилади.

Бундан ташқари, қарорга кўра, жорий йилдан ёшлар ўртасида барча ҳудудларда "Рокировка" турнири, кекса авлод вакиллари ўртасида "Нуронийлар" кубоги, ноҳиронлиги бўлган шахматчилар ўртасида "Чексиз имкон" турнири, 8 март — Халқаро хотин-қизлар кўнига бағишланган "Women's



Chess Championship" халқаро турнири, МДҲ, ШХТ ва Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар мувофиқлиги ўртасида аънанавий "Uzbekistan Chess Open" халқаро турнири каби мусобақалар мунтазам ўтказилиши белгиланган.

Айни вақтда бу борада вилоятда қатор ишлар амалга оширилиб, қарор ижроси босқичма-босқич таъминланмоқда. Айниқса, ҳар ҳафтада ўтказилаётган "Рокировка" турнири тобора оммалашмоқда.

— Вилоятимизнинг барча ҳудудида шахмат клублари фаолияти йўлга қўйилмоқда, — дейди Ўзбекистон шахмат федерацияси Навоий вилояти бўлими раиси Умид Бахромова. — Хусусан, Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида бир вақтда 100 нафар спортчи дона суриши мумкин бўлган 50 та шахмат тахтаси мавжуд клуб ташкил этилган. Бу ерда ҳафтанинг ҳар шанба кунлари "Рокировка" мусобақаси бўлиб ўтади ва турнирда хоҳиши бор фуқаролар, ёшдан қатъи назар, иштирок этиши мумкин. Онлайн рўйхат орқали бу мусобақага жалб этилган иштирокчилар 3 дақиқа давомида ёш чегарасиз дона суришади. Қўнонлар билан, бу мусобақада шахмат энди кириб келаётган ҳаваскорлардан тортиб, профессионал гроссмейстерларгача ўз омадларини синаб кўриши мумкин.

Шахматни нафақат вилоят марказида, балки шаҳар ва туманлар, олис ҳудудларда ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, зарур шароитлар яратилмоқда. Хусусан, Қизилтепа туманида шахмат тўғрисидаги фаолияти йўлга қўйилиб, самарали фаолият юритилмоқда. Узилишкент маҳалласидаги 29-умумий ўрта таълим мактаби шахмат клубига айни вақтда уюшмаган ёшлар ҳам қамраб олинган.

Шахматни янада оммалаштириш мақсадида тўғривларда шугуланаятган болалар ва ўсмирлар ўртасида мусобақалар мунтазам ташкил этилмоқда. Албатта, бу жараёнга фарзандларини шахматга йўналтирган ота-оналар ҳам бефарқ эмас.

— Мактабда шахмат тўғрисида ташкил этилганидан биз ота-оналар мамнун бўлдик, — дейди Лобар Рустамова. — Фарзандим шу тўғрисида қатнашди. Ўзгаришлар ва натижалар яхши. Қисқа фурсатда ўзлаштирди. Ҳозир мусобақаларга ҳам тайёргарлик кўрапти.

Инсон заковати билан бирга унинг руҳиятини чиниктиришга хизмат қилувчи интеллектуал ўйинни янада ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича вилоятда олиб борилаётган бу каби амалий ишлар келгусида ўз мевасини бериши шубҳасиз.



Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Publication information including address, phone numbers, and website details for 'Yangi Uzbekiston' newspaper.